

Шўрвага сув қўшиб сотиш

06:05 / 07.08.2018 4044

Савол:

Ассалому алайкум! Ўзим талабаман, Австралияда ўқийман. Шароит тақозоси ва зарурати билан ҳамма талабалар ишлаши керак. Ман ўзим турклар ресторанида ошпаз ёрдамчиси бўлиб ишлайман. Баъзи бир шубхалантирадиган нарсалар бор. У ерда Ясмиқ ўсимлиги уруғидан тайёрланган шўрва сотилади. Тайёрланиши ҳам сув билан бўлади манимча. Лекин биз уни музлагаган ҳолатида олиб микравалновкага қўйиб иситиб сотамиз. Аммо у шўрва турган сари қуюққа тортиб кетади, шундай пайтларда қайнаган сув қўшиб аралаштириб сотилади. Бу ман бажарадиган ишларди ичига кириб кетади. Савол бу ишим сутга сув аралаштириб сотиш ҳукмига кирадими? Қилиб турган ишим харом бўлиб қолмайдими? Аллоҳ сизларни яхшилик билан мукофотласин.

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Агар хўрандалар шундай ҳолат бўлишини билсалар буни зарари йўқ. Агар сизни сув қўшишингиз сифатини ўзгартирса, мижозлар кутган нарсага зид бўлса қаллобликка киради. Валлоҳу аълам!